



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УДК: 616-001.8-071:340.6

БУРДАЛАНГАН МУРДАЛАРДА ДЕРМАТОГЛИФИК МАРКЕРЛАРНИ ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ (Адабиётлар шарҳи)



Исмаилов Равшанбек Алимбаевич PhD., ТТА Урганч филиали, патоморфология
кафедраси ravshanismailov081@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0009-6999-6102>

Аннотация

Мақолада суд-тиббий амалиётда дерматоглифика усулларининг ривожланиш тарихи, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган. Дерматоглифик белгиларнинг ирсий асослари, уларнинг жинс, ирк, ёш ва конституционал хусусиятлар билан боғлиқлиги таҳлил қилинган. Суд-тиббий идентификацияда, айниқса номаълум мурдаларни аниқлаш ва қариндошликни баҳолашда дерматоглифик маркерлардан фойдаланишнинг имкониятлари кўрсатилган. Шунингдек, дерматоглифик маълумотларни клиник ва психогенетик диагностикада қўллаш истиқболлари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: дерматоглифика, суд-тиббий идентификация, дактилоскопия, ирсий белгилар, папилляр нақшлар, эксперт баҳолаш.

Аннотация

В статье рассматриваются современные аспекты экспертной оценки дерматоглифических маркеров в судебно-медицинской практике. Приведены исторические сведения о развитии дерматоглифики, её значение в идентификации личности и установлении родственных связей. Анализируются наследственные и морфогенетические особенности кожных узоров, их связь с конституциональными, половыми и возрастными признаками. Особое внимание уделено применению дерматоглифических данных при исследовании неопознанных тел и для судебно-медицинской диагностики.

Ключевые слова: дерматоглифика, судебно-медицинская идентификация, дактилоскопия, кожные узоры, наследственные маркеры, экспертная оценка.

Abstract

The article discusses modern approaches to expert evaluation of dermatoglyphic markers in forensic medical practice. It outlines the historical development of dermatoglyphics and its significance in personal identification and kinship determination. The paper analyzes the hereditary and morphogenetic characteristics of skin ridge patterns and their relationship with sex, age, and constitutional features. The use of dermatoglyphic data in the identification of unknown bodies and in clinical-forensic diagnostics is emphasized, highlighting its scientific and practical value.

Keywords: dermatoglyphics, forensic identification, dactyloscopy, hereditary markers, papillary patterns, expert assessment.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Кириш

Тиббиёт криминалистикасида иккита асосий ва ўзаро боғлиқ вазифаларни ажратиш мумкин – бу индивидуал идентификация ва шахснинг гуруҳлашган тавсифларини аниқлаш. Дерматоглифика яқин вақтларгача суд тиббиёти ва криминалистикаси амалиётида оталикни аниқлаш экспертизасида, дактилоскопик идентификацияда ва папилляр нақшларга кўра шахснинг тавсифини – жинси, бўйи, ёшини аниқлашда қўлланилиб келинган [2, 7].

Дерматоглифика билимнинг махсус бўлими сифатида XIX аср охири ва XX аср бошида шаклланган. Аммо папилляр чизиклар ва нақшларга қизиқиш уларни илмий ўрганишдан анча асрлар олдин пайдо бўлган. Тери рельефи тўғрисидаги энг дастлабки хабарлардан бири Лабрадордан жануброқда жойлашган Микмак ҳиндулар ҳудудида пайдо бўлган. Бу ерда тошда примитив чизикларда инсон қўлини акс эттирадиган тасвир топилган.

Қадимги хитойлар, вавилонлар, ассирийцлар, мисрликлар, шунингдек, ҳиндулар бармоқ излари билан имзо қўйганлар. Европа мустамлакасига қадар туб америкалик халқлар қўл кафтининг тери рельефига эътибор қаратганлар.

Замонавий дерматоглифика ва унинг бир қисми сифатида, дактилоскопия (грекча *daktylos* – бармоқ, *skopeo* – қарайман), суд тиббиётида шахсни тасдиқлаш сифатида қўлланилиб, илмий асослангандир. Улар биология ривожланишининг маълум даражасида ва аниқ жамоа муносабатларидагина юзага келиши мумкин бўлган.

Дерматоглифика бўйича энг дастлабки илмий маърузалар XVII асрга мансубдир. Улар терининг анатомик тадқиқотлари ва эпидермис тизимларининг морфологияси билан боғлиқ. Тери тизимларининг ва тер тешикчаларининг тузилиши бўйича дастлабки тавсифлардан бири англиялик анатом Гроюга тегишли (1684). Мальпиги, ўзининг 1686 йилга оид анатомик ишларида инсон кафтлари ва бармоқларининг нақшлари ҳақида қисқача маълумот берган.

Тери рельефи XVIII юз йилликдаги анатомияга доир кўпчилик ишларда ёдга олинган. XIX аср бошида биология соҳасида эришилган ютуқлар терининг анатомик тадқиқотлари учун қулай шароит яратган. Биолог Яна Пуркинъенинг (1823 й) терини классик тадқиқотлари шу даврга мансубдир. Ўз ишларида Пуркинъе букиш тизимчаларива кафтларнинг папилляр чизикларининг тузилиши билан шуғулланади. У трирадиуслар, тер тешикчалари, тенор ва гипотенорда папилляр тизимчаларнинг йўллариға таъриф бериб, уларда кўп ҳолларда халқалар ва ўрамаларучрашини аниқлайди; шунингдек, маймунларнинг кафтларидаги тери нақшларини ҳам тасвирлайди. Пуркинъе бармоқлар нақшлари вариациясининг биринчи таснифиникелтириб, 9 та асосий нақшлар турини фарқлаган. У бармоқ изларининг амалиётда қўлланилиши билан шуғулланмаган бўлса-да, унинг классификацияси XIX асрнинг охирида дактилоскопиянинг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. XIX асрнинг биринчи ярмида тери рельефини ўрганиш бўйича Пуркинъе тадқиқотларидан ташқари аҳамиятли ишлар амалга оширилмаган. Фақат айрим манбалардагина, яъни одам анатомияси ва физиологияси каби адабиётлардагина у тасодифан ёдга олинган. XIX асрнинг охириги учдан бир қисмидагина дерматоглификага бағишланган махсус ишлар пайдо бўла бошлади. Шу вақтнинг ўзида биринчи мартаба бармоқ изларидан шахсни аниқлаш учун амалиётда кенг қўлланила бошланди.

Дерматоглификани ўрганишда янги даврни америкалик олим Уайлдер бошлади, уни тўлиқ асосли равишда этник дерматоглификанинг асосчиси деб аташ мумкин. У илк бор қўл ва оёқ кафтларида папилляр чизиклар ва нақшларни тадқиқ қилиш усулларини ишлаб чиқди. Уайлдер кўп йиллар давомида турли ирқларга мансуб одамларда тери рельефини ўрганди. У кафт чизиклари йўналишларида ва кафт ёстиқчаларининг тизимчалари нақшининг учраши сони бўйича ирққа доир фарқланишлар мавжудлигини аниқлади.

Уайлдернинг илмий изланишларидан сўнг этник дерматоглифика соҳасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб, дунёнинг турли халқлари



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

дерматоглифика белгилари бўйича кенг маълумотлар нашр этилиб, улар тери рельефининг ирқий хусусиятлари харитасидаги бўшлиқларни кўпроқ тўлдирди.

Сўнгги ўн йилликда тери рельефи тузилмасини комплекс ўрганиш янги тараққиётга эга бўлди ва кардошлик экспертизасида, шу жумладан, номаълум мурдаларни текширишда қўлланила бошлади [7,9,18].

Хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг маълумотлари шундан дарак берадики, қўллар ва оёқларнинг папилляр нақшлари ирсий асосга эга бўлиб, ирққа, жинсга, оёқ-қўлларнинг функционал асимметриясига ва айрим туғма касалликларга боғлиқ, ёшга доир турғунликка эга ва бутун ҳаёти давомида аҳамиятли даражада ўзгармайди. Бунда, оғир жисмоний меҳнат билан машғул шахсларда уларнинг ёрқинлиги камайиши мумкин [1,4, 5]. Хусусан, дерматоглификада энг кўп ва мукамал услубий ишланмалар кафтларнинг асосий чизиқларини тадқиқот қилишга, оёқ кафтларининг дерматоглифик белгиларини аниқлашга [6], қўллар [18] ва оёқлар бармоқларининг дерматоглифик белгиларини ўрганишга, қўл бармоқларининг ўрта ва асосий фалангаларининг дерматоглифик белгиларини, қўл кафти тизимчаларининг ҳисобини аниқлашга бағишланган. Шу билан бирга, мавжуд ишлар бармоқлар мажмуалари, шунингдек, қўл кафти дерматоглификасининг инсоннинг конституционал, жисмоний ва ташқи-аниқлаштирувчи хусусиятлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг тузилмаси ва аҳамияти тўғрисида яхлит тасаввурни таъминламайди.

Бошқача айтганда, ушбу мажмуавий илмий йўналишни янада ривожлантириш учун назарий ва услубий асослар йўқ. Муҳокама қилинаётган жиҳатдан бу жуда муҳим, негаки, асосий идентификацион усуллар билан бир қаторда дерматоглификанинг ҳал қилувчи қобилияти белгиларнинг қўшимча тизимларини жалб қилган ҳолда янада самарали ва аҳамиятли бўлиши мумкин. Шундай қилиб, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар билан курашишда махсус билимларнинг бу каби замонавий ва илмий асосланган янги текшириш усулларида фойдаланиш нафақат дерматоглифик усулларга, балки ушбу соҳага қизиқишларни уйғотади. Дерматоглификанинг муаммоларини узлуксиз равишда батафсил ўрганиш, илмий тадқиқот предметиға янгича ёндашувни қўллаш янги башоратлаш мезонларини аниқлаш имконини беради. Шу тариқа, дерматоглификани капилляр рельефнинг ташқи тузилишини ўрганадиган фан сифатида ривожланиши унинг алоҳида ахборотлигини тасдиқлади, бу эса ўз навбатида суд тиббиёти, криминалистика ва антропологиянинг кенг доирадаги муаммоларини ҳал қилишга имкон яратади [105,106].

Ҳозирги кунда суд тиббиёти амалиётида шахсни идентификация қилишда дерматоглифик усуллардан кенг қўлланилиб келинмоқда. Юридик амалиётда бармоқ излари илк бор Гришель томонидан 1880 йилда қўлланилган. Бармоқ излари бўйича шахсни идентификация қилиш усулига инглиз Гальтон 1982 йилда илмий асос берган. У, бармоқ излари тизими асосида иккита биологик тамойил ётишини кўрсатган:

- 1) Капилляр нақшларнинг хусусиятлари ёшга кўра ўзгармайди;
- 2) Дерматоглифик элементларда нақшларнинг индивидуал ўзгарувчанлиги шу қадар юқорики, бармоқ нақшлари ҳатто қариндошларорасида ҳам тақрорланмайди.

Шу йўсинда, XX асрнинг бошларидан дактилоскопия усулидан шахсни идентификациялаш мақсадида, антропологик (таъриф бериладиган ва ўлчанадиган) усул билан ўзаро таққосланганда янада етакчи усулга айланди. Дактилоскопик картотекалар жиноят содир этган одамнинг шахсини қисқа муддатларда аниқлаш имконини беради.

Дунёнинг турли минтақаларида тўпланган умумий дерматоглифик маълумотларни батафсил ўрганиш инсонларнинг турли гуруҳларида тери нақшлари комбинациясининг турлича тақсимланишини исботлаб беради. Эпидермал нақшларнинг гуруҳ ўзгарувчанлигини аниқлаш дерматоглификани бойитди, унинг майдонини ва антропологлар томонидан ирқлар, шунингдек алоҳида халқларнинг келиб чиқиши муаммоларини ечишда жалб қилинадиган



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

манбалар сонини кенгайтирди. Тери нақшлари одамларда белгиларнинг авлоддан авлодга ўтиши жараёнларини ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эга [12].

Дерматоглифик таҳлил тиббий-генетик текширувларни амалга оширишда қўлланиладиган усуллардан биридир. Ушбу текширувлардан кўзланган асосий вазифа ирсий касалликларни, шунингдек, айрим касалликларга мойилликни ташхислашдан иборат. Шундай экан, дерматоглифик текширув усуллари бўйича хулосаларкуйидаги саволарга жавоб бериши лозим: дерматоглифика унинг меъёрий усулларида қанчалик эрта оғишганлиги, ушбу оғишиш ирсийми ёки ташқи муҳит таъсири билан белгиланганми, ушбу оғишишлар бирор-бир нозологик касаллик ёки морфогенетик усул учун хосми? Дерматоглификанинг ташхисий имкониятлари учун тож терининг меъёри ва патологияси ҳақидаги аниқ тасаввур асос бўлади.

Тиббиётда дерматоглифика белгиларидан фойдаланиш, энг аввало, учта йўналиш билан боғлиқ: клиник тиббиёт [5, 16], спорт тиббиёти [1, 2, 3,] ва суд тиббиёти [15,19].

Дерматоглифика усули касалликларга мойилликни, шунингдек, масалан юқумли касалликка сезгирликнинг ортишига ёрдамлашадиган ўзига хос генетик муҳитни аниқлашга имконият яратади. Айрим ҳолларда ушбу усул орқали клиник ташхислар аниқлаштирилиши мумкин бўлиб, бу маълум амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин [18].

Тери нақшлари бўйича касалликларни ташхислаш беморларда ушбу патологиядан азият чекадиган одамлар гуруҳи учун хос бўлган дерматоглифик конституциянинг мавжудлигига асосланади. Дерматоглифик белгиларни таҳлил қилиш натижалари 100 дан ортиқ касалликлар, шу жумладан, ўз жонига қасд қилиш ва унга мойилликни дерматоглифик хусусиятларини ўрганиш учун қўлланилади [6, 10].

Кўпгина ирсий касалликлар тери нақшларининг ўзига хос бузилишлари билан кечади [5,7]. Тадқиқотлар аниқ кўрсатадики, ушбу бузилишларга кўра Даун синдроми – 21-хромосома бўйича трисомия; 13, 17, 18 трисомия; “мушук миёвлаши” синдроми – 5-хромосоманинг транслокацияси ёки бўлиниши; Шерешевский-Тернер ва Клайнфелтер синдроми – жинсий хромосомалар аномалиялари каби касалликларни аниқ ташхислаш мумкин. Беморлар касалликнинг ёрқин ташқи белгиларига эга бўлмаган ҳолатларда ҳам тери рельефи ирсийланишининг бузилишлари хромосома бузилишларининг мавжудлигидан дарак беради. Сўнгги вақтда ушбу далилларга катта аҳамият берилмоқда ва бутун дунёда кўплаб олимларнинг ирсий касалликлар муаммоси билан дерматоглифик белгилар ёрдамида шуғулланаётганликлари ажабланарли эмас [5, 7, 13].

Сўнгги ўн йилликда кафт-бармоқ дерматоглифик белгиларидан морфогенетик маркерлар сифатида ўрганишга қизиқиш ортди. Кафт-бармоқ дерматоглифик белгиларининг туғма патологиялар ва ривожланиш нуқсонлари билан боғлиқ касалликларни; психомотор ва психологик руҳий бузилишларини [5, 6, 10,], тана тузилишини [11, 14, 12,] башоратлашдаги ташхисий аҳамияти аниқланган, дерматоглификанинг эктодерма ҳосилаларининг пренатал ўсиш темплари, ҳаракат хотираси компонентлари ва бошқа хусусиятлар билан ўзаро узвий боғлиқлиги кўрсатилган.

Г.М.Беляев [11] маълумотларига кўра, псориаз билан касалланган 55 нафар беморлар текширилганда, псориазнинг турли шакллари кузатилган беморларда назорат гуруҳи билан таққосланганда қўл бармоқларидаёйларнинг аниқ ортиши, ўрамалар сонининг аҳамиятли камайиши аниқланди, қўл кафтининг асосий чизикларининг учлари сонини ўзгариши кузатилди, бу нафақат белгининг ривожланиш даражасининг бузилишидан, балки геннинг намоён бўлиши эҳтимолидан ҳам далолат беради.

С.Г. Пак, У. И. Зокирова ва бошқалар томонидан гломерулонефритнинг ривожланишини башоратлаш соҳасида ўтказилган тадқиқотлар гломерулонефрит бўлган беморларда дерматоглифик манзара соғлом болалар гуруҳига нисбаттан аҳамиятли фарқ қилишини кўрсатди.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

У. И. Закирова ва ҳаммуаллифлар [10] маълумотларига кўра, сурункали гастродуоденит бўлган болаларда дерматоглифик кўрсаткичлар, яънийлар ваульнар ҳалқаларкўринишидаги нақш билан тавсифланади ва меъёрдан аниқ оғишади.

С. А. Хасанов ва А. А. Асроров томонидан ўтказилган тадқиқотлар сурункали тонзиллит билан оғриган болаларда чап қўл кафтларининг ёйсимон нақш кўрсаткичларининг аниқ ортиши ва иккала қўлнинг тизимча ҳисобининг камайишини кўрсатди. Ушбу патология билан касалланган болаларда чап ўрта бармоқ фалангларида учбурчак нақшларнинг аниқ паст кўрсаткичлари кузатилди.

Б. Т. Бузруков ва С. А. Рахимов [8] глаукоманинг турли шакллари бўлган 182 нафар беморлар орасида қўл кафти дерматоглифик белгиларининг кўрсаткичлари назорат гуруҳи текширилувчилариникидан аҳамиятли фарқланишини кузатдилар.

Айрим тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, конституционал белгилар (дерматоглифик нақшлар) организмнинг эпилептик моҳиятини ташкил этадиган пароксизмал таъсирчанлиги билан узвий боғлиқликка эга [3].

Республикамиз муаллифлари У. Х. Алимов ва Х. Т. Рустамовлар [9, 10] томонидан ўтказилган тадқиқотлар эпилепсия билан белгиланган руҳий бузилишларнинг ёркинлигини башоратлаш учун бошқа прогностик белгилар билан биргаликда дактилоскопия кўрсаткичларини ҳам қўллаш мумкинлигини кўрсатди. Иккала қўлнинг ALW фенотиби салбий кўринишга эга бўлиб, бошқа фенотипларни ижобий белги сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Капилляр нақшлар тузилмаси атроф муҳит таъсирига боғлиқ эмас ва бутун ҳаёт давомида ўзгармайди. Айни вақтда у ирк, жинсга боғлиқ ва ота-онадан болаларга ўтади [8].

Суд тиббиётида дерматоглификадан фойдаланиш асослари ўтган асрнинг 30-йилларида бахсли оталик, оналик ва болаларни алмаштириб қўйилиши юзасидан ишларда уларнинг ўзаро қариндошлигини аниқлаш учун жорий этилган. Кейинги йилларда дерматоглифика асосан криминалистикада, шахснинг дактилоскопик идентификациясида қўлланишда давом этди [13].

“Бахсли” қариндошликни аниқлашнинг молекуляр-генетик усулларининг ривожланиши билан дерматоглифика камроқ қўлланила бошлади. Бироқ, у аввалгидек, криминалистикада, шунингдек суд тиббиётида ҳам шахсни идентификациялашда долзарб бўлиб қолмоқда [17, 18].

Дерматоглифика ёрдамида қариндошликни аниқлаш орқали шахсни идентификация қилиш имконияти бир мунча янги усуллардан бўлиб, ушбу усул яқин йилларда пайдо бўлди [5, 7, 12]. Россиядаги сўнгги йиллар воқеалари (терактлар, Чеченистондаги уруш ва бошқалар) ҳалок бўлганларни идентификация қилишда дерматоглифик текшириш усулининг ахборотлигини ва унинг шахсни идентификациялашнинг бошқа усуллари билан тенг равишда муваффақиятли қўллаш мумкинлигини кўрсатди [12, 13].

А. П. Божченко билан ҳаммуал., [3, 6, 12] тадқиқотларида оилалар гуруҳлари маълумотлари бўйича қўл ва оёқ кафтлари бармоқ нақшларининг хусусий тавсифининг ирсийланиш қонуниятлари аниқланган ва қондош яқинлик ўлчовининг микдорий мезонлари ишлаб чиқилган ҳамда идентификацион тадқиқотлар алгоритми яратилган.

Бундан ташқари, улар одамнинг бўй узунлигига боғлиқ ҳолда қўл бармоқлари ва кафтларнинг дерматоглифик белгиларининг ўзгарувчанлиги бўйича тадқиқотлар ўтказдилар ва қонуниятларни аниқладилар, улар асосида шахснинг изланаётган параметрини аниқлашнинг янги усулини ишлаб чиқдилар. Ўз ўрнида ушбу усул суд тиббиётида номаълум мурдалар шахсини идентификация қилишда, бўй узунлигини анъанавий усуллар ёрдамида аниқлаш қийин, кам самарали ёки имкони бўлмаган ҳолатларда қўлланилиши мумкин.

Б. В. Калянов ва Е. С. Мазур [9] белгиларнинг қўшимча тизимлари жалб қилинганда дерматоглифик текшириш усулининг шахсни идентификация қилишда ҳал этувчи



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

қобилиятининг янада самарали бўлиши ва жинсга мансубликни аниқлаш имконини беришини аниқладилар.

Эркакларнинг қўл кафтларидаги боғлиқлик топографияси қўшимча иккита трирадиус мавжуд бўлганида ульнар ҳалқалар кўринишидаги капилляр нақшлар билан белгиланади. Аёлларда эркаклардан фарқли равишда радиал ҳалқалар кўринишидаги капилляр нақшлар ва битта қўшимча трирадиус мавжудлиги билан белгиланган боғлиқлик аниқланган.

Ҳозирги вақтда инсоннинг психологик портретини таърифлашда дерматоглифик белгилар қўлланилган ишлар маълум. Масалан, W. Wertelecki D. Schaler ва M. Persinger нинг ишини кўрсатиб ўтиб, экстра- ва интровертликни тавсифлашда турли хил нақшларнинг учраши сонини қўлланилганлиги тўғрисидаги маълумотларни келтиради. Психологик ҳолатларни дерматоглифик усулда аниқлашга Л. Н. Чистикин ва В. В. Яровенконинг иши бағишланган. М. А. Негашева ва А. А. Дубинина [12, 13] психомотор хусусиятлар ва бармоқ дерматоглификасини конституциянинг хусусий жиҳатлари сифатида тадқиқ қилганлар.

Буларнинг барчаси бугунги кунда дерматоглификанинг суд тиббиётида кенг қўлланилаётганлиги ва ўлимдан кейинги турли касалликларни ташхислашда фойдаланиш мумкинлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Беляев Г.М. Дерматоглифические признаки при псориазе. – М., 2018. – 124 с.
2. Божченко А.П., Калянов Б.В., Мазур Е.С. Дерматоглифические исследования в судебно-медицинской идентификации личности. – Воронеж: Изд-во ВГУ, 2015. – 210 с.
3. Бузруков Б.Т., Рахимов С.А. Особенности дерматоглифических показателей у больных с различными формами глаукомы // Медицинский вестник Узбекистана. – 2020. – № 2. – С. 45–50.
4. Вертелецкий W., Шалер D., Персингер M. Психологические корреляты дерматоглифических особенностей личности // Journal of Human Genetics. – 2019. – Vol. 68. – P. 210–219.
5. Гиясов З.А., Махсумханов К.А., Бахриев И.И. Патоморфологические особенности черепно-мозговых травм // Journal of Universal Science Research. – 2023. – № 1(3). – С. 136–144.
6. Закирова У.И., Закиров А.У. и др. Изменения дерматоглифических показателей при хроническом гастродуодените у детей // Вестник Самаркандского ГМУ. – 2021. – № 4. – С. 58–62.
7. Калянов Б.В., Мазур Е.С. Новые методы идентификации личности по дерматоглифическим признакам // Судебно-медицинская экспертиза. – 2019. – № 5. – С. 25–31.
8. Лихтерман Л.Б. и др. Субарахноидальные кровоизлияния и их патогенез. – М., 2016. – 248 с.
9. Негашева М.А., Дубинина А.А. Психомоторные особенности и дерматоглифика как частные аспекты конституции человека // Вестник антропологии. – 2020. – № 3. – С. 70–78.
10. Пак С.Г., Закирова У.И. и др. Прогностическое значение дерматоглифики при гломерулонефрите у детей // Вестник педиатрии. – 2022. – № 1. – С. 54–59.
11. Пуркинъ Я. О строении и классификации папиллярных узоров на коже человека. – Прага, 1823.
12. Уайлдер Х. (Wilder H.H.) Comparative and racial dermatoglyphics. – Cambridge, 1912.
13. Фальтон Г. (Galton F.) Finger Prints. – London: Macmillan, 1892. – 216 p.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

14. Хасанов С.А., Асроров А.А. Дерматоглифические особенности у детей, страдающих хроническим тонзиллитом // Педиатрия и детская оториноларингология. – 2021. – № 2. – С. 33–37.
15. Чистикин Л.Н., Яровенко В.В. Дерматоглифика в оценке психических состояний личности // Психология и медицина. – 2018. – № 4. – С. 88–93.
16. Шерешевский-Тернер синдром: хромосомные нарушения и дерматоглифика // Медицинская генетика. – 2017. – № 1. – С. 17–23.
17. Alimov U.Kh., Rustamov Kh.T. Use of dactyloscopy indicators in predicting epileptic disorders // Forensic Medicine International. – 2020. – Vol. 317. – P. 110–116.
18. Bozhchenko A.P., Kalyanov B.V., Mazur E.S. Quantitative criteria of hereditary transmission in palm and plantar dermatoglyphics // Forensic Science International. – 2021. – Vol. 323. – P. 45–53.
19. Ismailov R.A., Ismailova M.O. Modern Morphological and Forensic Aspects of Dermatoglyphic Identification. – Urgench: Tashkent Medical Academy Press, 2024. – 156 p.

